

Генеральный спонсор



Официальный спонсор



NOBEL  
PHARMSANOAT



DORI VOSITALARINI  
STANDARTLASH  
ILMIY MARKAZI

Спонсоры конференции



JURABEK  
Laboratories Ltd



BERLIN-CHEMIE  
MENARINI

QURAMAX®



RADIKS



RANO

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОГЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАДИЙ АНЖУМАНИ  
(ХАЛКАРО ИШТИРОКДА) МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ (С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)

«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И  
ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ»

Тошкент - 2016

## **РАЗДЕЛ 4. РЕФОРМА ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ: УСПЕХИ, ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

**Байдуллаев А.С., Кадирова Г.А.**

### **МОДУЛЬНЫЙ ТИЗИМИ (MOODLE ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ) ИМКОНИЯТЛАРИ ВА УНДАН ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: baidullaev\_a@mail.ru, gulchekhra\_71@mail.ru

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурни ўшларни юксак ахлоқли, маънавиятли ва мърифатли, меҳнатга вижданан муносабатда бўлишта, жамият ва оиласи олдида ўз маъсулитини чукур англаб етувчи, ракобатбардош, малакали мутахассис килиб тайёрлаш ва тарбиялаш вазифаларни хал этиши учун таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, таълимни оптималлаштириш, инсонпарварлаштириш ва инновацион методлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, бошкарни ва назорат килиши долзарб хисобланади. Ҳозирги кунда талабалар тез, кўп, ишонарла маълумотларга эга бўлишлари ва ўзлари мустакил билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шулар жумласидан, электрон мажмуалар талабалар учун фанга оид бўлган мухим маълумотларни исталган масофадан ўз имкониятларидан келиб чиккан холда фойдаланишлари мумкин.

Модуль тизими асосида электрон мажмуанинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчичи хамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашиниш, мажмууга вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини ошириш хисобланади.

Модуль тизими асосида электрон мажмуани яратишида профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифалари кўйидагича бўлади. Файлар кесимида электрон ресурсларни жойлаштирадилар, талабаларни тегишли ресурслардан фойдаланиши учун руҳсат берадилар, ресурсларни мунтазам янгилаш борадилар, тутгалланган файлларни базадан учирив ташлайдилар. Талабалар эса ўзлари мустакил тарзда мажмуу жойлашган веб-сайтда рўйхатдан ўтадилар. Кидирив тизими орқали зарур фан ёки профессор-ўқитувчини излаб топиб, ресурслардан фойдаланишга руҳсат сўрайдилар. Профессор-ўқитувчининг тегишли руҳсатидан сўнг очик ресурслардан фойдаланиш имкониятга эга бўладилар.

Профессор-ўқитувчи ресурсларни мажмууга жойлаштиришида хамда талабалардан тушган мурожатта руҳсат беради. Талабалар тегишли руҳсат олгандан сўнг ресурслардан фойдаланишини бошлайдилар.

Талабалар модуль-электрон мажмуя орқали кўйидаги маълумотларни олишлари мумкин:

- силлабус структураси;
- профессор-ўқитувчи хакида маълумот;
- фаннинг кисқача тавсифи, фанга ажратилган соатлар, фаннинг бошқа файлар билан боғликлиги (пререквизитлари), фаннинг долзарблиги ва кисқача мазмуни ёритилади. Шунингдек, фанни ўқитищдан максад, фаннинг вазифаси келтирилади. Мавзулар режаси, баҳолар мезони, аудиториядаги сиёсат ва этик коидалар, адабиётлар рўйхатидан изборат бўлади. Фанга оид бўлган муаммоли вазиатлар кейс-стадилар кўрининишида бўлади. Кейс-стадилар мавзуларга доир бўлган муаммони аниқлаш, таҳлил килиш ва уни хал этишини режалаштиришининг йўллари ва воситалари шу билан бирга унинг бир неча ёки ягона ечимини топишга ёрдам беради. Шу билан бирга мавзулар бўйича тақдимотлар хам жойлаштирилган бўлади.

Модуль тизими асосида электрон мажмуанинг афзалликлари кўйидагилар хисобланади:

- Талабалар ушбу блокка ташриф буюриб, керакли бўлган маълумотларни олдиндан юклаб олиш ва мустакил таълим олиш имкониятига эга бўлади.
- Профессор-ўқитувчи модулга кўшимчалар киритиш, тегишли материаллар кўйиш, мухим зълон ва баҳолаш натижаларини жойлаштириб бориши каби оператив ўзгартиришларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.
- Профессор-ўқитувчилар ўз педагогик усусларини намоён эга олишига кенгрок имконият юзага келади, мультимедиа ресурсларини тўтиридан-тўғри жойлаштириш мумкин ва энг

мухими, профессор-ўқитувчининг модуль материаллари сифатини таъминлашдаги масульияти ошади.

- Талабаларга масофада туриб маълумотларни олиш имконияти юзага келади ва когоз сарфи камаяди.

Хулоса килиб айттанды, moodle тизими асосида электрон мажмуудан фойдаланиш талабалар учун ўз билим ва кўнимкамларини янада мустахкамлаши, нафакат ўз мутахассисларни бўйича балки кенг доирадаги фанларга оид ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Бу эса талабаларни олган билимларини келажакда самарали кўллай олишларига имконият яратади.

**Адабиётлар:** 1.Анисимов А.М. «Работа в системе дистанционного обучения Moodle», Учебное пособие 2-е издание, исправленное и дополненное. –Харьков-ХНАГХ.: 2009. -С. 6-34.

2.Клейносова Н.П., Кадырова Э.А., Телков И.А., Хруничев Р.В. «Проектирование и разработка дистанционного учебного курса в среде Moodle 2.7», Учебно-методическое пособие Рязанский государственный радиотехнический университет. –Рязань.: 2015. -С. 55-141.

3. Moodle – учебник для начинающих <http://rumoodler.com>.

**Ishonxanova I.A.**

### **“HOZIRGI O’ZBEK ADABIY TILI” DARSLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI**

Toshkent farmatsevtika instituti qoshidagi akademik litsey, Toshkent sh., O’zbekiston Respublikasi E-mail: umaraliyeva.m@mail.ru

“Hozirgi o’zbek adabiy tili” fani akademik litseylarda 3 yil davomida uzlusiz o’qitiladigan chuqurlashtirilgan fanlardan biri hisoblanadi. Akademik litseydagi ta’limning asosiy maqsadi o’quvchini oliy ta’limga yo’naltirish ekanligini yoddan chiqarmagan holda, shuni ta’kidlash zarurki, “Hozirgi o’zbek adabiy tili” fani bo’yicha o’quv mashg’ulotlari juda egallangan bilim test sinovlarida katta ahamiyatiga ega. Darslarimiz qiziqarli o’tishi uchun turli usullardan foydalanimizda maqsadga muvofiqdir. Bunda an’anaviy usullardan tashqari, zamonaviy usullar ham muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan xabardor bo’lish zamon talabiga aylangan. O’z ustida ishlovchi pedagog o’quv mashg’ulotlarini innovatsion texnologiyalar asosida olib boradi. O’qitishning zamonaviy metodlari bo’yicha o’quv mashg’ulotlarida o’quvchilar faolligi muhim o’rin egallaydi. Yangi usuldagagi darslarda o’quvchilar o’z fikrlarini erkin bayon qiladilar, o’zaro mavzuni muhokama qiladilar, tahhilda ishtirot etadilar, xulosa qiladilar. O’z fikrlarini dalillar bilan isbotlab, taqdimotlarda qatnashadilar.

O’qitishning zamonaviy usullaridan biri – kichik guruhlarda ishlash. Bu juda samarali va hammabop usul hisoblanadi. “Hozirgi o’zbek adabiy tili” fani bo’yicha ko’plab mavzular tushuntirilganda bu usulni qo’llash mumkin. Masalan, “Morfologiya” bo’limidagi bir qancha mavzular misolida olamiz:

1. “Ot va uning uslubiy xususiyatlari” mavzusi. O’quchilarni quydagi guruhlarga bo’lamiz:
  - a) “Vatan” guruh. Bu guruh a’zolari o’rin-joy otlariga ta’rif beradilar va misollar keltiradilar.
  - b) “Farzand” guruh. (shaxs otlari)
  - c) “Bilim” guruh. (faoliyat-jarayon otlari)
  - d) “Kitob” guruh. (narsa-buyum otlari)
  - e) “Mehr” guruh. (mavhum otlar)

Yuqorida guruhlarga bir xil matn ham berish mumkin, ular o’zlarini mansub guruhgaga tegishli otlarni ajratib oладилар. Bunday topshiriqlar o’quvchilarni faollashtiradi, ularning shaxsiy fikrlarini shakllantiradi.

2. Sifat mavzusi. Bu mavzuda ham o’quvchilarni sifatning ma’no turlari nuqtai nazaridan guruhlarga ajratamiz:
  - a) “Go’zal” guruh. Bu guruh o’quvchilari xususiyat sifatlariga ta’rif beradilar va o’z fikrlarini misollar yordamida tushuntiradilar.